

ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН

**ДОНИШКАДАИ ОМУЗГОРИИ ТОҶИКИСТОН
ДАР ШАҲРИ ПАНЧАКЕНТ**

МАХЗАНИ ИЛМ/ПАЁМИ ДОНИШКАДА, 2021, № 2.

МАВОДИ

он-лайн ва офф-лайн анҷумани илмӣ-амалии байналмилалии апрелӣ дар мавзӯи “Масоили мубрами улуми иҷтимоӣ-гуманитарӣ, риёзӣ ва дақиқ дар замони муосир”, 26 апрели соли 2021 дар Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент

СОКРОВИШНИЦА НАУКИ/ВЕСТНИК ИНСТИТУТА, 2021, № 2.

МАТЕРИАЛЫ

научно-практической международной апрельской он-лайн и офф-лайн конференции, на тему «Актуальные проблемы общественно-гуманитарных, точных и естественных наук в современную эпоху», 26 апреля 2021 года в Таджикском педагогическом институте в городе Пенджикент

TREASURY OF SCIENCE/BULLETIN OF THE INSTITUTE, 2021, No. 2.

MATERIALS

of the scientific and practical international April online and off-line conference, on the topic "Actual problems of social and humanitarian, exact and natural sciences in the modern era", April 26, 2021 at the Tajik Pedagogical Institute in the city of Penjikent.

Панҷакент – 2021

ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН

**ДОНИШКАДАИ ОМУЌЗГОРИИ ТОҶИКИСТОН
ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ**

МАХЗАНИ ИЛМ/ПАЁМИ ДОНИШКАДА, 2021, № 2.

МАВОДИ

он-лайн ва офф-лайн анҷумани илмӣ-амалии байналмилалии апрелӣ дар мавзӯи “Масоили мубрами улуми иҷтимоӣ-гуманитарӣ, риёзӣ ва дақиқ дар замони муосир”, 26 апрели соли 2021 дар Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент

СОКРОВИШНИЦА НАУКИ/ВЕСТНИК ИНСТИТУТА, 2021, № 2.

МАТЕРИАЛЫ

научно-практической международной апрельской он-лайн и офф-лайн конференции, на тему «Актуальные проблемы общественно-гуманитарных, точных и естественных наук в современную эпоху», 26 апреля 2021 года в Таджикском педагогическом институте в городе Пенджикент

TREASURY OF SCIENCE/BULLETIN OF THE INSTITUTE, 2021, No. 2.

MATERIALS

of the scientific and practical international April online and off-line conference, on the topic "Actual problems of social and humanitarian, exact and natural sciences in the modern era", April 26, 2021 at the Tajik Pedagogical Institute in the city of Penjikent.

Панҷакент - 2021

Сегодня ушла в прошлое прежняя система воспитания молодежи, в значительной степени утрачена и традиционная воспитательная функция СМИ. При этом только обозначилась новая модель коммуникативных отношений, когда объект педагогических, идеологических психологических, культурологических и прочих воздействий переходит в состояние субъективности и начинает участвовать в процессе духовного производства.

Сегодня на фоне лавинообразного развития компьютерных технологий, стремительного роста скорости и объема производимой и потребляемой информации, в СМИ наблюдается все углубляющееся противоречие между производителями и потребителями информационных продуктов.

То, что предлагает современный таджикский рынок средств массовой информации, не устраивает молодежную аудиторию, вследствие чего традиционные СМИ необратимо теряют молодых читателей-зрителей-слушателей. Более всего эти тенденции проявляются по отношению к печатным средствам массовой информации, в особенности, к газетной периодике.

В результате молодые люди читают все меньше и поверхностное. Однако это не значит, что они перестают читать вообще. В последнее время в молодежной среде обозначился интерес к журнальной периодике. Причем в этой области наблюдается две взаимоисключающие тенденции. С одной стороны, журналы зарубежных издательских домов, которые предлагают традиционную для современного медиа рынка тематику гламура, жизни звезд, моды, внешней стороны успеха. Они привлекают аудиторию обилием знакомых лиц с экранов телевизоров, упрощенными текстами, невысокой ценой.

Список литературы:

1. Журавская И.В. Влияние СМИ на молодежь. Социологическое исследование// Медиа образование: от теории к практике: Сб. материалов 1 Всеросс. научно – практ. конф. «Медиа образование в развитии науки, культуры, образования и средств массовой коммуникации». Томск, 20-21 ноября 2007 / Сост. И.В. Журавская. Томск: НОУ ВПО ТИИТ, 2007. стр 270.
2. Кирилова Н.Б. Медиа среда российской модернизации. М.: Академический проспект, 2005. – с. 340.
3. Фёдоров А.В. Медиа образование: социологические опросы. Таганрог: Издательство Кучма, 2007. Исследования телевизионной аудитории: теория и практика: Материалы семинара для социологов телекомпаний под ред. Шарикова А.В.: Национальная ассоциация телевещателей, 1997
4. Чуднова В.П., Голубева Е.И., Михайлова А.И. и др. Дети и библиотеки в меняющемся мире. М.: Школьная библиотека, 2004.
5. Цымбаленко С.Б., Шариков А.В., Щеглова С.Н. Информационное пространство молодёжи М.: НИИ школьных технологий, 2006 г.

Орзиев М.З.,

БухДУ, Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси, тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

БУХОРО АМИРЛИГИДА ГЕРМАН-ТУРК ФОЙДАСИ УЧУН АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР

Биринчи жаҳон уруши бошланиб кетгач, Шарқ мусулмон давлатларининг миллий-диний ҳис-туйғулари уларни Германия томонидан урушга кирган Усмонли турк давлатини қўллаб-қувватлашга ундайди бир қатор давлатларда Усмонли турк

давлатларини қўллаб-қувватлаш, Антанта давлатларига қарши турли ташкилот ва гуруҳларнинг тузилиши, туркларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилди. Россия империясига ярим қарам давлат бўлган Бухоро амирлиги ҳудудида ҳам уруш бошлангандан сўнг Герман-Турк иттифоқини қўллаб-қувватлаш ишлари содир бўлди. Айниқса Россия империяси таъсири камроқ сезиладиган Бухоронинг шарқий бекликлари аҳолиси орасида кенг қўллаб-қувватланиш ҳолатлари содир бўлган. Шарқий Бухоро бекликларининг Усмонли турк давлати фойдасига моддий ёрдам кўрсатиш 1914 йилдаёқ Болқон уруши даврида бошланганди. Балжувон беги Жаҳонгирбек, Усмонли турк давлатининг ҳаво флотини учун 15 минг рубль миқдоридаги пул маблағини Саидзода номли шахс орқали Истанбулга жўнатганди¹.

Ғузор беклиги ҳам Герман-Турк иттифоқига хайрихоҳ бўлиб, империя айғоқчилиги маълумотларида, бекликда 1914 йилда озодлик қўзғолони кўтаришга тайёргарлик кўрилганлиги, бек қўшинидан ташқари аҳолини ҳам қуроллантира бошлаган. Қуролланиш учун Афғонистон орқали яширин тарзда қурол-яроғ олиб келинаётганлиги, шунингдек, улар Бухоро ва Туркистон ўлкасидаги “Пантуркчи” ва “Панисломчилар” билан бир вақтда қўзғолон кўтариш учун музокаралар олиб бораётгани, бекнинг яқин кишиси мулло Абдуллони Афғонистонга ўзаро ҳамкорликда курашиш масалаларини келишиб олиш учун юборгани яширин полиция агентураси томонидан аниқланган. Шунингдек, Биринчи жаҳон уруши даврида амирликнинг Россия империясига қарамлиги янада кучайди. Чунки, Бухоро амирлигидаги пахта, қоракўлтери, қуруқ мева ва бошқа маҳсулотлар экспорти пасайиб, аҳолининг турмуш шароити оғирлаша борди. Бу эса, ўз навбатида аҳолининг мавжуд тартибларидан ва рус сиёсатидан норозилиги кучайиб, Усмонли туркияни моддий қўллаб-қувватлаш ҳаракатлари учун қулай имконият яратган деб хулоса қилишга архив манбалари имкон яратади².

Архив ҳужжатларида, Ғузор беклигида бир йил олдин ўқ отар қуроллар захирасини вужудга келтираётгани, қуролларнинг бир қисми бекнинг қалъасида, бир қисми эса, бекликнинг марказидаги мадрасада сақланаётганлиги, Афғонистон, Бухоро ва рус Туркистонидаги “Панисломчилар” билан бир вақтда қўзғолон кўтариш хусусида ёзишмалар олиб бораётганлиги, 20 март (1914 йил) атрофида мулло Абдуллони Афғонистон амири ҳузурига биргаликда кураш олиб бориш масаласини келишиш учун юборгани³, билан боғлиқ маълумотлар келтирилади.

Россия империясининг махфий хизмати ўта аниқлик билан ишлаган, бўлажак қўзғолон йўлбошчилари, унинг иштирокчилари, Туркистоннинг турли бурчакларида яшовчи ва бир вақтда қўзғолон кўтариш санасини турли ҳудудларга олиб борувчи йигирма нафар шахснинг исм-шарифи, мансаби, вазифаси, қўзғолонга қай даражада дахлдорлигини бирма-бир санаб ўтган⁴. Ушбу шахслар ҳужжатларда Мулло Қамбар-закотчи ёрдамчиси, Мирзо Шариф ҳожи Муҳаммад Шариф-девонбеги котиби, Фаррошбоши-хизматчиларнинг озиқ-овқатлари, ошхона таъминоти бошлиғи, Мулла Абдусаммад-расман муллобачча, Мулла Абдулла-мадрасаи Калоннинг бош мударриси, Мулла Зиёд-Мулла Абдулланинг ёрдамчиси, шогирди, Абдусаммадбек жебачи (биздаги (руслардаги) прапоршик лавозимида тўғри келади), Мулла Мауляк – дўкандор,

¹ Раҳмонқулова З. XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осиё хонликлари ва усмонли турк империяси ўртасидаги муносабатлар тарихшунослиги/Тарих фанлари бўйича фалсафа докторлик (PhD) диссертациясини олиш бўйича диссертацияси. – Т.: 2020. – Б. 104.

²Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (ЎзРМДА) И-3 фонд, 2 – рўйхат, 166 – ҳужжат, 89 – varaқ.

³ ЎзМА И – 3 фонд, 2 – рўйхат, 166 – йиғма жилд, 87 – varaқнинг орқа томони.

⁴ Орзиев М.З. XX аср бошларида Россия – Афғонистон ўртасидаги муносабатлар тарихидан //Тамаддун нури. Илмий, ижтимоий-фалсафий, маданий-маърифий, адабий-бадий журнал. 2020. № 1. – Б. 19.

Миргянд – мансаб. Қурол омбори ва ов бошлиғи, озроқ русча билади, Шотўра оксокол, Мирзоқобил-Шоҳимардоннинг котиби, Саид Усмонхон-Ўшлик муллабачча, Аҳмаджон ҳожи-Саид Усмонхоннинг ҳамроҳи ўшлик, Муҳаммад Солиҳ-тошкентлик ойначи, Қатортерак маҳалласи Шайхонтахур даҳасида яшайди тарзида келтириб ўтилади¹.

Гоявий жиҳатдан Афғонистонда чоп этиладиган “Сирож ал-Ахбор” газетаси ҳам Германофил манфаатларига хизмат қилган ва Бухоро амирлигида кенг тарқалган бўлиб, Империя маъмурлари томонидан унинг Туркистон ва Бухорога тарқатилиши таъқиқланганди. Нолегал тарзда кириб келган газетани кўлга олинган сонларини сиёсий агентликка юбориб туриш талаб қилинган. “Таъқиқланишига қарамасдан Бухорога кириб келаётган “Сирож ул ахборни” янги сонларини агентликка юбориб туриш шarti бузилапти, уни ўз вақтида юбориш талаб қилинади”– дейилади, архив манбаларининг бирида. Иккинчи бир жойда эса: “Германофил йўналишдаги “Сирож ул ал - ахбор Афғония” Бухорога кириб келиши таъқиқланган. Сиёсий айғоқчилик ва Туркистон район кўриқлаш бўлими (ТРҚБ) назорати кучайтирилсин²”-деб ёзилган. ушбу фикрлар орқали Герман-Турк тарғиботини максимал даражада камайтириш масаласи кўрилган деб хулоса қилиш мумкин.

Бухоро амирлигининг Карки, Чоржўй, Балжувон, Ғузор ва бошқа бир қатор муҳим беқилқрида Герман-Турк блокига хайрихоҳлик мавжудлигини тарихий адабиётлар тасдиқлайди. Герман-Турк иттифоқи дипломатик ва ҳарбий разведка жиҳатдан Эрон ва Афғонистон орқали Ўрта Осиё, биринчи галда Бухорога бостириб кириш имкониятларини ўргана бошлайди³. Ушбу ўрганишларнинг мантиқий якуни сифатида, Усмли турк давлатининг мусулмонлар етакчилигига таяниб, Герман-Турк блоки Афғонистонга Оскар фон Нидермайер бошчилигида миссия ташкил қилган эди. Аммо, Герман-Турк миссиясининг Афғонистонни урушга тортиш ва бу орқали Бухоро амирлигини Россияга қарши курашга тортиш режасида амалий натижага эриша олмаган Герман-Турк миссияси Қайтиб кетишга ҳаракат қилади. 1915 йилнинг 22 май Герман-Турк-Австрия миссияси Кобулдан қайтишга мажбур бўлади⁴.

1915 йил Бухорога томонга яна бир миссия Хитой орқали амалга оширилган эди. Унинг таркибида амири Олимхоннинг амакиси ҳам бўлиб, улар Бухорога 1915 йил январда келган. Амир Олимхоннинг қатъиятсизлиги сабабли амакиси Бухоро шаҳридаги масжидларнинг бирида 5 мингдан ортиқ мусулмонлар йиғилган намозда Туркия ғалабаси учун дуо қилади. Аҳоли шу ернинг ўзида Усмонли Турк давлати учун 3000 рубль хайрия йиғишади. Шунингдек, маблағ йиғиш ишларига Эски шаҳарда темир савдоси билан шуғулланувчи савдоглар Мусабой, Абду Аламбоев, Камолжон бой Хўжа ва Йўлдошбой Хошимовлар ҳам шуғулланганлар⁵.

Афғонистонга келган Оскар Нидермайер миссияси вакилларининг ҳам анчагинаси кўлга олиниб, Россия маъмурлари сўроқ қилинганлар. Жумладан, миссияда иштирок этган турк фуқароси Аҳмадбей Ансор кўлга олиниб, 1915 йил 2 ноябрда Ашхабот ротминистри барон фон Фиркс томонидан сўроқ қилинган. Сўроқ натижаларида туркиялик Аҳмадбей 32 ёшда эканлиги, Истамбулда яшаши, урушга бормаслик учун ўз ҳукуматига уруш солиғини тўлаган бўлсада уни чақириб олиб 18 немис офицери билан бирга Эрон, Афғон ҳудудларига мажбур юборилганлиги,

¹ЎзМА И – фонд, 2 – рўйхат, 166 – йиғма жилд, 88 – варақнинг орқа томони.

²Орзиев М.З. XIX асрнинг охири – XX асрнинг биринчи чорагида Бухорода босмаҳона, нашриёт ва матбуот иши.//Тарих фанлари бўйича фалсафа доктор (PhD) унвонини олиш учун тақдим этилган диссертация. – Самарқанд, 2020. – Б. 71.

³Ряполов В.В. Германо-Турецкая агентура в Средней Азии и Афганистана в начале XX века//Вопросы истории. 2007. № 3. – С. 149.

⁴Массон В.М., Ромадин В.А. История Афганистана том II – М.: Наука, 1965. – С. 355.

⁵Рахмонқулова З. XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осиё хонликлари ва усмонли турк империяси ўртасидаги муносабатлар тарихшунослиги/Тарих фанлари бўйича фалсафа докторлик (PhD) диссертациясини олиш бўйича диссертацияси. – Т.: 2020. – Б. 106

Кермоншоҳда 4 австриялик ва 12 немис, шунингдек, врач ҳамроҳлигида Афғонистонга йўл олганлари маршрут йўналиши Техрон-Давлатобод-Исфаҳон-Топас йўналишида бўлганлиги ва шу ерда рус казаклари томонидан ушланганлиги, Афғонистонга нима мақсадда кетаётганлигини билмаслиги баён қилади. Унинг маълумотларида миссия вакиллари Эроннинг Давлатобод шаҳрида форс ҳукумати вакиллари кутиб олиб 2 кун меҳмон қилади. Миссия етакчилари форс ҳукумати вакиллари билан ўзаро немисча гаплашганликлари сабабли у гап нима ҳақидалигини билмаслиги, шу пайтгача русларга қарши курашмаганлигини маълум қилади¹.

Биринчи жаҳон уруши даврида Россия империяси иқтисодий жиҳатдан кийинчиликларга дуч келди. Харид қуввати пасайиб, 1915 йилда пахтага белгиланган нарх уни етиштиришга кетган харажатни қопламасди.² Бу эса, Туркистон ва Бухоро амирлигидаги кам ерли деҳқонларнинг хонавайрон бўлишини тезлаштирди. Шунингдек, биринчи галдаги маҳсулотлар, озиқ-овқатга нархларнинг ошиб кетганлиги вазиятни янада оғирлаштирарди. 1916 йил бир фут ун нархи 1915 йилга нисбатан 300 %, гуруч 200 %, шакар 250 %, матолар ва оёқ кийими 200-300 % га ошди³. Бу масаланинг моддий томони бўлиб, Герман-Турк блокиннинг Туркистон ўлкаси ва Бухоро амирлигида олиб борган тарғибот ишлари масаланинг маънавий-руҳий томонини ташкил этади. Натижада, 1916 йилда Туркистон ўлкасида бошланган мардикорликка олиш бутун ўлкада норозилик ва қуролли курашни келтириб чиқарди. Тарихий адабиётларда ушбу кўзғолонни Усмонли турк махсус хизматларининг ташкил этганлигига оид фикр-мулоҳазалар ҳам учраб туради⁴.

Бухорода мардикорликка олиш масаласи хусусида эшитган аҳолининг норозилиги гарчи бу амирлик аҳолисига таълуқли бўлмаган бўлсада кучайганлигини манбалардаги маълумотлар тасдиқлайди. Бухородаги сиёсий агентлик раҳбари Шульга ўз раҳбарларига юборган 1916 йил 318-рақамли телеграммасида мардикорликка олиш Бухоро амирлигида яшовчи оддий аҳолининг қаттиқ норозилигига сабаб бўлаётганлиги хусусида ўз раҳбарларини огоҳлантиради⁵.

Мардикорликка олишга қарши кўтарилган кўзғолон (1916 йил) раҳбарларининг катта қисмини ташкил этувчи диний уламоларнинг ҳаж зиёратидан қайтиб келиши ва уларни кўзғолонга бош бўлганлиги, уларнинг турк-герман махсус идоралари билан алоқада деб ҳисоблашга асос бўлади деган фикр-мулоҳазалар мавжудлиги тарихий адабиётларда қайд этиб ўтилади⁶.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазаларни собиқ совет давлати тарихий адабиётлари ва бугунги кундаги Ўрта Осиё тарихчилари асосланмаган факт сифатида қабул қиладилар. Жумладан тадқиқотчи А.Салиев фикрича, биринчи жаҳон уруши даврида Туркистон ўлкасига Усмонли турк эмиссарларининг келиши кучаяди, диний ва миллий бирлик ғоялари кенг тарқалади. Аммо, 1916 йил кўзғолонини турклар ташкил этганлиги у қадар ишончли маълумот эмас⁷.

¹ ЎзМА, И-1-фон, 32-рўйхат, 300-йиғма жилд, 115-варақ, 115-варақнинг орқа томони.

² Костельская З.Д. Из истории Туркестанского края (1865-1917). – М.: Наука, 1980. – С. 88.

³ Костельская З.Д. Из истории Туркестанского края (1865-1917). – М.: Наука, 1980. – С. 89.

⁴ Гилязов И. Германия и мусульмане России в двух мировых войнах//ab imperio. 2001, № 4. – С. 197.

⁵ Восстания 1916 г. В Азиатской России: Неизвестное об известном (к 100 – летию высочайшего повеления 25 июня 1916г.): [коллективная монография] / [ред. – сост.: Т.В. Котюкова]. – М.: русский импульс, 2017. - – С. 82.

⁶ Литвинов В.П. Исторический опыт Российского Государства в организации и регулировании паломничества мусульман Средней Азии (1865-1917 гг)/ дис. на соиск. учён степ. док. ист. наук. – Елец 2019. - – С. 188.

⁷ Салиев А.А. Противостояние России и Османской империи в Средней Азии в XIX – начале XX вв.// Вестник КРСУ. 2017. №4. – С. 30.

Ушбу фикрларни тасдиқлашнинг имкони йўқ бўлиб, Усмонли турк давлати махфий ташкилоти “Ташкилоти махсуса” ҳужжатларининг Мустафо Камол Отатурк томонидан ёқиб юборилиши Бухорода ва Туркистонда фаолият олиб борган Усмонли махсус агентлари ҳақида маълумотларни йўқотилишига олиб келган. Усмонли турк давлати томонидан Туркистон ва Бухорога юборилган эмиссарлар ва улар ёзган хотиралари хусусий шахслар қўлиги сабабли, уларни ишончлилик даражаси анча пастлигини ҳам назардан қочирмаслик керак. Эълон қилинган меъмуарлардан бирида Усмонли Турк давлатининг Ўрта Осиё ва Бухорога юборилган вакиллари номи ва уларнинг 1916 йилги кўзғолонга алоқаси масаласи кўрсатилган бўлиб, меъмуар “Беш турк Осиёда” номи остида чоп этилган¹. Айнан улар Туркистонда 1916 йилги кўзғолонга бошчилик қилганлигига оид маълумотлар келтирилади. Бизнингча, бу маълумотлар бир қадар бўрттирилган ваасарда ишончли бўлган бир нарса эмиссарларнинг номлари бўлиши мумкин. Улар, Абдулла Ҳикматбей, Ҳожи Салибей (Салим Сали), Эмруллох Беркабей, Иброҳимбей, Ҳусайнбей кабилардир².

1917 йил Россиядаги инқилобдан сўнг Бухоро амирлиги ҳудудида Герман-Турк блоки фойдасига тарғибот ишлари бир қадар сезилмайди. Инқилоб миллий, диний кадрятларни енгиб, синфий ва тенглик каби кадрятларни биринчи ўринга чиқарганлигини кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, биринчи жаҳон уруши даврида Бухоро амирлигида Герман-Турк блоки фойдасига амалга оширилган тарғибот ишлари, уруш офатлари, миллий ва диний камситилиш, кучли назорат масалаларига қармасдан айрим бекликларда Герман-Турк блоки билан биргаликда Россия империясига қарши кураш масаласида сиёсий гуруҳлар ташкил этилди. Бундан ташқари, амирлик ҳудудида Герман-Турк блоки фойдасига йиғилган моддий маблағлар тез-тез Усмонли турк давлатига юбориб турилди. Шунингдек, ташқи давлатлар биринчи галда Авғонистон билан биргаликда иттифоқ тузиш масалалари кун тартибига қўйилган бўлиб, минтақа халқларининг ижтимоий-иқтисодий жихатдан ривожланмаганлиги, ўзаро низолар, келишмовчиликларнинг сабаб амалга ошмайди.

Отамуродов Ж.З.,

ассистенти кафедраи. современной техники и информационной системы
Технический колледж города Худжанда

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МУЛЬТИМЕДИЙНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ДЛЯ РАЗВИТИЯ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ СТУДЕНТОВ

Современной системе высшего образования присуща динамика, поиск новых путей развития образовательного процесса, содержание которого должно включать следующие компоненты; обеспечение непрерывности образования с предоставлением различных форм получения образования и повышения квалификации, в том числе и индивидуальных траекторий; реализация современных технологий обучения, создание и внедрение современных средств контроля качества образования на всех уровнях и ступенях системы непрерывного педагогического образования [1,2].

¹ Бу асар хусусида Восстание 1916 года в Туркестане: документальные свидетельства общей трагедии: Сб. док. и материалов МГУ им. М.В. Ломоносова, Ин-т всеобщ. истории РАН; [сост., авт. предисл., вступ. ст. и коммент. Т.В. Котюкова]. – М.: Маржани, 2016. – С. 73 саҳифада ҳам бир қадар тўлиқроқ маълумотлар келтириб ўтилган.

² Восстания 1916 г. В Азиатской России: Неизвестное об известном (к 100 – летию высочайшего повеления 25 июня 1916г.): [коллективная монография] / [ред. – сост.: Т.В. Котюкова]. – М.: русский импульс, 2017. - С. 418.

	Давронович	ХУҚУҚШУНОСЛИГИДА “АСОСУ-Л-КҲИЙОС” (ҚИЁС ИЛМИНИНГ АСОСИ) АСАРИНИНГ ЎРНИ	
94.	Меликов Фаррух Самадович, Бақоева Таҳмина	НАҚШИ ФАОЛГАРДОНЇ ДАР ОМУЎЗИШИ ЗАБОНИ ХОРИҚЇ	381
95.	Мирбобоева Т.Х.	РОЛЬ НАРОДНЫХ РЕМЕСЕЛ В «ВЕЛИКИЙ ШЕЛКОВЫЙ ПУТЬ»	383
96.	Меликов Фаррух Самадович, Бақоева Таҳмина	САРАЗМ МАДАНИЯТИ 5500 – СОЛА	388
97.	Мусаев Давлатбек Ваҳобжонович	СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ПОЛОЖЕНИЕ НА ВЕЛИКОМ ШЕЛКОВОМ ПУТИ СРЕДНЕЙ АЗИИ ПРИ МОНГОЛАХ (НА ОСНОВЕ НУМИЗМАТИЧЕСКИХ МАТЕРИАЛОВ)	390
98.	Мухамадизода Меҳриддини Боқӣ	ИШТИРОКИ ЧУМХУРИИ ИСЛОМИИ ЭРОН ДАР ТАЪМИНИ СУЛҲ ВА РИЗОИЯТИ МИЛЛӢ ДАР ТОҶИКИСТОН	393
99.	Набиев В.М.	ПОЯГУЗОРОНИ АДАБИЁТИ МУОСИРИ ТОҶИК	396
100.	Набиев Ваҳҳоб Машрафович, Мухамадизода Меҳриддини Боқӣ	ИЧЛОСИЯИ XVI ШҶРОИ ОЛӢ ВА НАҚШИ СОЗМОНҲОИ БАЙНАЛМИЛАЛӢ ДАР ТАЪМИНИ СУЛҲ ВА РИЗОИЯТИ МИЛЛӢ ДАР ТОҶИКИСТОН	400
101.	Назаров Аҳтам Пулотович, Насруллоев Нурулло	ЧУЗЪИ ИДОРАКУНИИ ТАЪРИХИ РӶЗ ВА ТАҚВИМ ДАР БАРНОМАСОЗӢ	404
102.	Норова Малика Файзуллоевна	САЙФИДДИН БОХАРЗӢЙНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА ИЛМ ВА АМАЛ ТӶҶРИСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ	408
103.	Нумонова М.Р., Бақоева Ситора	НЕТРАДИЦИОННЫЕ ФОРМЫ И МЕТОДЫ ПРОВЕДЕНИЯ УРОКОВ	411
104.	Нумонова М.Р.	ПОДГОТОВКА КВАЛИФИЦИРОВАННЫХ СПЕЦИАЛИСТОВ – ВАЖНЕЙШАЯ ЗАДАЧА ВУЗОВ	419
105.	Нумонова М.Р.	ТЕСТИРОВАНИЕ КАК ФОРМА КОНТРОЛЯ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА	422
106.	Нурматова Н.У., Сафоев Ж.Н.	ИБРОҲИМ МӶМИНОВ ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИ ҲАҚИДА	426
107.	Оқилова Муътабар Аҳмадҷоновна	ИНЪИКОСИ РӶЗГОРИ САӢИДОИ НАСАФӢ ДАР ЭҚОДИЁТИ Ӱ	429
108.	Отамуродов Ж.З.	ВЛИЯНИЕ СОВРЕМЕННЫХ СРЕДСТВ МАССОВОЙ ИНФОРМАЦИИ НА МИРОВОЗЗРЕНИЕ МОЛОДЕЖИ	432
109.	Орзиев М.З.	БУХОРО АМИРЛИГИДА ГЕРМАН-ТУРК ФОЙДАСИ УЧУН АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР	436